

**«Olmaliq kon - metallurgiya kombinati»
Aksiyadorlik jamiyati**

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ								
1.	Тўлик:	“Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” aksiyadorlik jamiyati						
	Қисқартирилган:	“Olmaliq КМК” АЖ						
	Биржа тикери номи:	AGMK						
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ								
2.	Жойлашган ери:	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, А. Темур, 53						
	Почта манзили:	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, А. Темур, 53						
	Электрон почта манзили:	info@agmk.uz						
	Расмий веб-сайт:	www.agmk.uz						
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ								
	Муҳим фактнинг рақами:	06						
	Муҳим фактнинг номи:	Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлари						
	Умумий йиғилиш ўтказиш тури	Навбатдан ташкари						
	Умумий йиғилиш ўтказилган санаси:	28.06.2022й.						
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:	28.06.2022й.						
	Умумий йиғилиш ўтказилган жойи:	Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, 6						
	Умумий йиғилиш кворуми:	100%						
3.	№	Овозга қўйилган масалалар	Овоз бериш натижаси					
			ёқлаш		қарши		бегарафлар	
			%	сони	%	сони	%	сони
1.		“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти устав фондини (устав капиталини) камайтириш, акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш орқали уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	100	749 257 532	0	0	0	0
	Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:							
1.	<p>1. Вазирлар Маҳкамасининг “Кимё саноати соҳасида фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 21 февралдаги 77-сон (ХДФУ) қарори, жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 24 мартдаги 7-сон-мажлис баёни ва 2022 йил 10 мартдаги топшириш-қабул қилиш далолатномаларига биноан “Олмалиқ КМК” АЖга тегишли “Қизилқум фосфорит комплекси” 450 665 149 465 сўм баланс (қолдик) қийматида давлат улушини камайтириш ҳисобига “Узкимёсаноат” АЖ балансига топширилганлиги;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармони, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон, 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-168-сон Қарорлари ва “Олмалиқ КМК” АЖ Ягона акциядорининг 2021 йил 7 июндаги 26/08-кр-сон қарорига мувофиқ қуйидаги узоқ муддатли жамият акциялар пакета давлат улушини камайтириш ҳисобига давлат бошқарув органларига:</p> <p>- “Чотқол” МЧЖ устав капиталдаги 10 000 000 сўм ёки 12,5 фоизлик улуш</p>							

2021 йил 21 июндаги топшириш-қабул қилиш тўғрисидаги далолатномага асосан Давлат активларини бошқариш агентлигига;

- “Агробанк” АТБ устав капиталидаги 2 338 336 сўм ёки 0,0001 фоизлик улуш 2021 йил 12 июлдаги қимматли қоғозларни топшириш тўғрисидаги келишувига асосан Молия вазирлигига;

- “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ устав капиталидаги 21 090 сўм ёки 0,0005 фоизлик улуш 2021 йил 12 июлдаги қимматли қоғозларни топшириш тўғрисидаги келишувига асосан Молия вазирлигига;

- “Кафолат суғурта компанияси” АЖ устав капиталидаги 1 178 483 090 сўм ёки 3,34 фоизлик улуш 2021 йил 28 июндаги қимматли қоғозларни топшириш тўғрисидаги келишувига асосан Давлат активларини бошқариш агентлигига;

- “Марказий ипподром” АЖ устав капиталидаги 60 000 000 000 сўм ёки 66,96 фоизлик улуш 2021 йил 28 июндаги қимматли қоғозларни топшириш тўғрисидаги келишувига асосан Давлат активларини бошқариш агентлигига;

- “Ипотекабанк” АТИБ устав капиталидаги 16 075 536 180 сўм ёки 0,54 фоизлик улуш 2021 йил 01 ноябрдаги 29-01-36/198-сонли қимматли қоғозларни топшириш тўғрисидаги келишувига асосан Молия вазирлигига;

- “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ устав капиталидаги 7 704 480 000 сўм ёки 0,33 фоизлик улуш 2022 йил 27 апрелдаги рўйхат рақами 312/555-сонли қимматли қоғозларни топшириш тўғрисидаги келишувига асосан Давлат активларини бошқариш агентлигига;

- “Биринчи резина техника заводи” МЧЖ устав капиталидаги 25 008 750 000 сўм ёки 10 фоизлик улуш 2019 йил 23 декабрдаги топшириш-қабул қилиш тўғрисидаги далолатномасига асосан “Ўзкимёсаноат” АЖга ўтказилганлиги ҳамда бухгалтерия маълумотларига асосан, баланс (колдиқ) ва (ёки) номинал қийматида топширилган активларнинг умумий қиймати 560 644 758 161 сўмни ташкил этганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамиятнинг устав фондини (устав капитали) 2 967 813 060 296 сўмдан 2 407 168 299 030 сўмгача Давлат активларини бошқариш агентлигига тегишли номинал қиймати 3 914 сўм бўлган 143 240 869 дона оддий эгаси номи ёзилган хужжатсиз акцияларни бекор қилиш йўли билан камайтирилсин. Бунда, топширилган активларнинг баланс қиймати (560 644 758 161 сўм) ва камайтирилган акцияларнинг номинал қиймати (560 644 761 266 сўм) ўртасидаги 3 015 сўмлик фарқ келгусида Жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушини оширилишида қўйилма сифатида ҳисобга олинсин.

3. Жамият устав фонди (устав капитали) 2 407 168 299 030 (икки триллион тўрт юз етти миллиард бир юз олтмиш саккиз миллион икки юз тўқсон тўққиз минг ўттиз) сўм номинал қиймати 3 914 сўм бўлган 615 014 895 дона акцияга бўлинган ҳолда:

- давлат улуши - 98,54 фоиз, яъни жами 2 371 949 218 982 (икки триллион уч юз етмиш бир миллиард тўққиз юз қирқ тўққиз миллион икки юз ўн саккиз минг тўққиз юз саксон икки) сўмлик, 606 016 663 дона оддий акциялардан;

- жисмоний ва юридик шахслар улуши - 1,46 фоиз, яъни жами 35 219 080 048 (ўттиз беш миллиард икки юз ўн тўққиз миллион саксон минг қирқ саккиз) сўмлик, 8 998 232 дона имтиёзли акциялардан иборат тасдиқлансин.

4. Молия вазирлиги томонидан 2022 йил 16 февралдаги “Олмалик кон-металлургия комбината” акциядорлик жамияти акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги Р0366-15-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги матни лойиҳаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг амалдаги уставига таклиф этилаётган ўзгартиришлар 2-иловага мувофиқ маъқуллансин ҳамда тасдиқлансин.

6. Жамият бошқарув раиси А. Хурсановга:

акциялар қўшимча чиқарилишига ўзгартиришлар матнини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган хужжатларни ўрнатилган тартибда Молия вазирлигига топширилишини таъминлаш;

жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай барча кредиторларни

	<p>конунчиликда белгиланган тартибда ёзма шаклда хабардор қилиш; жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин. 7. Мазкур қарор ижросини таъминлаш директор ўринбосари А. Миралиев ва “Олмалиқ кон-металлургия комбината” АЖ бошқарув раиси А. Хурсанов зиммасига юклансин.</p>	
	<p>Уставга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар матни</p>	<p>Кўриб чиқилди</p>

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.:

Хурсанов А.Х.

Бош бухгалтер:

Тен Н.К.

Корпоратив муносабатлар ва инвесторлар
 билан алоқалар хизмати бошлиғи в.б.

Абдунабиев Х.А.